

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан ЧИҚА ВОШЛАГАН. • № 146 (6. 037) • 1986 йил 26 июнь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ-ҲАЁТГА

Шаҳар индустрияси рапорти Ярим йиллик план тайёр!

БУГУН Ўзбекистон пойтахти индустрияси ходимлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили тошмириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада муҳим маррани эгалладилар — товар маҳсулотларини реализация қилиш ва саноат маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик план адо этилди.

Тошкентнинг Ленин, Акмал Икромов, Ҳамза, Киров ва бошқа районлари корхоналарининг меҳнатқашлари қатор асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича олти ойлик тошмириқни шаҳарда биринчилардан бўлиб муддатидан илгари бажардилар.

Ой охирига қадар шаҳар саноати республика ва мамлакатимиз ҳалқ ҳўжалигига қўшимча равишда 30 миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотларини — машина-созлик, приборсозлик, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат маҳсулотларини, қурилиш индустрияси буюмларини, халқ истеъмоли товарларини етказиб беради.

Шаҳар меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитетининг мамлакатимиз барча меҳнатқашларига Мунозабатга жавобан ўн иккинчи беш йиллик тошмириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар, диққат-эътиборларини меҳнат унвдорлигини оширишга, маҳсулотларнинг аҳоли сифатини таъминлашга, моддий-техника ресурсларини тежаб-теғраб сарфлашга қаратмоқдалар.



ҲИММАТ

Ҳамза районидаги «Электротрест» трестининг механикация бошқармаси коллективни районда бунёд этилаётган 33-ўрта мактаб қурилишида қатнашишга бел боғлади.

Бошқарманинг маълумки механикатор ва техникларидан А. Попов, В. Вуриченко, А. Тунгусов, Н. Рўзатов, Г. Мафқосимов, А. Ткаченко ва бошқалар техника воситалари билан бунёдкорларга яқиндан ёрдам берадилар.

Курилишлар ҳашарга чорлайди Транспортчилар аҳди

Ҳамза райони саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларининг коллективлари Тольяттидаги Волжск автомобиль заводи меҳнатчиларининг бунёд қилинишида тўрт кун содлаб, маданий ва маиший объектлар қурилишида ишлаб бериш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини кенг қўллаб-қувватлашмоқда.

Шу ташаббусга қўшилган коллективлардан бири 2-автотранспорт паркидир. Бу ерда шаҳарнинг таниқли транспортчи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Эркин Алимович Азаматов меҳнат қилади. Волжскликлар ташаббусини маълумлашган бу новатор ҳайдовчи ўзи бошқариб кўлаётган бригада билан мактаб қурилишида яқиндан ёрдам бериш иштирокини билдирди. Бригада

Оҳангарон шоссесидagi «Ғабдуллоев» 40 йиллик» номи масъуд бунёд этилаётган 1884 ўрнили 33-мактаб қурилишига ёрдам бериш режаларини тузиб чиқди.

— Биз навбатдаги шанба кунини шу объектга бориб қурувчиларнинг оғирини енгил қилмайсиз, — дейди Э. Азаматов. — Мақсадимиз мактаб биносини янги ўқув йили баъраёт тайёрлаш. Корхонамизда 800 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Ҳар биримиз бунёд вазифасини тўрт кундан ишлаб берадиган бўлсақ салмоқли юмуш бажарилишига ишончимиз комил. Корхонамизнинг В. Бобоев, А. Мирзаитдилов, Р. Иброҳимов бошлиқ бригадалари ҳам ҳашарларда иштирок этишга тайёр.



Рая Калужскаянинг шу кунгидек эсида. Адолат ҳақида қийинчиликни кичиб келди. Қисса танишувдан сўнг бир маромда ишлаб турган дастоҳга термулиб қолди.

— Йўқ, сиз қайғурманг, — деди Р. Калужская унга меҳрибонлик билан. — Кўряпсизми, дастоҳлардан меҳнатчиларнинг турли хил қисмлари чиқяпти. Ана шуларни ҳозир биргаликда янгишга киришамиз.

Устозининг салмиқлиги дилидаги ташвишнинг нари кетказди. Унинг кўрсатмаларини меҳр билан бажара бошлади. Тўғри осон бўлмади. Гоҳида меҳнатчиларнинг оёқлари қийинчилик қолар, ҳижолатчиликдан юзлари қизиб кетарди. Буларнинг ҳаммаси оғир қозиди. Энг асосийси, қалбда қасбга меҳр бор эди. Ана шу меҳр уни улғайтирди, шўҳратини оширди. Кўп ўтмай мустақил ишлашга ўтди. Бошқа билан эмас, устозининг ўзи билан беллашиб ишлаб бошлади.

Мусобақа одиллигини талаб қилади. Унга

маъмурият, партия ва касба союз ташкилоти кун чикаради. Шу боис Адолат Халипова голиб деб топилганида устоз халфа бўлмади, балки чин дилдан қувонди. Шогирди униб-ўсса, элга танилса ёмонли!

Унга коллектив катта ишонч билдирди. Собир Раҳимов район Советига депутат этиб сайланди. Адолат кунлик вазифасини мунозабат охирига бажариш билан бирга, ўзига билдирилган ишончнинг ҳам шараф билан оқламоқда. Унга касбдошлари иш шароитини, маҳсулот сифатини яхшилаш, янги техникани жорий қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаат қилишади. Уларнинг гапларини кунт билан тинглайди. Илтимосларини ҳеч қачон ерда қолдирмайди.

СУРАТДА: «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишмиси Адолат Халипова.

Т. Каримов фотоси.



Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида Тошкентда турар жой ва социал-маиший қурилишнинг жадал ривожлантириши таъминлаш бўйича «Ғавташкентстрой» коллективининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Буо шуни таъкидладикки, «Ғавташкентстрой» коллективининг турар жой ва социал-маиший қурилишнинг ривожлантириши, бажарилаётган ишлар муддатини қисқартириш ва сифатини яхшилаш бўйича муайян иш олиб борган. Шу билан бирга «Ғавташкентстрой» коллективиде иш услуби ва методларини қайта кўриш сўст борляпти. Унинг фаолияти КПСС XXVII съезди қўйган вазифаларга ҳали тўла жавоб бераётми.

Коллективнинг коммунист аъзолари «Ғавташкентстрой» бўлиминлариде зарур тизим иш маромини яратганлариче йўқ. 1986 йил ва ўн иккинчи беш йиллик учун қабул қилинган пландар жадаллаштириш вазифаларига жавоб берадими, уларда ўз ишлаб чиқариш базаси қувватларининг ўсиб бориши тўла ҳисобга олинмаётган, янгидан ишга туширилаётган йирик панелли ва йирик блокли уйсозлик қувватларини ўзлаштиришнинг сўст суръатлари кўзда тутилган.

«Ғавташкентстрой» коллективини барча бўлиминлар томонидан белгиланган тошмириқларнинг бажарилиши ҳали таъминлай олмаётми.

Умуман «Ғавташкентстрой» бўйича беш ойлик ақунларига кўра ўз кўчлари билан пудрат ишлари пани бажарилаётми, қўшимча қурилан объектлар бўйича план-тошмириқлари бор-йўғи 57 процент бажарилган, холос. «Ғавташкентстрой» бўлиминлариде иш вақтинини йўқотиш, машина ва дастоҳларнинг сменалараро бунд туриб қолиш ҳоллари юкори, моддий ресурсларини тежаб бўйича тошмириқларни бажариш таъминлашга иш вақтинини қисқартириш сифати ағвалгадек паст. Қурилишнинг индустриаллаштириш сависиси ўсиб бораётган талабларга мувофиқ эмас, кўл меҳнатининг ҳиссаси юкориликни қолдиб келяпти. Бригада пудратини жорий этишда жиддий нуксонлар мавжуд, унга юзаси ёндошишга йўқ қўйилляпти.

Коллегия аъзолари қуйи ишлаб чиқариш эвенюларидеги, бевосита қурилиш майдонларидаги ташкилотчилик ишларига ҳануз етарлича эътибор беришга йўқ. Ишлаб-ётганларга зарур меҳнат ва турмуш шароитлари яратиш ва идораларга қарашли турар жой фондидан фойдаланиш қониксарсиз ағвалда. Бу «Ғавташкентстрой» ходимларининг қўлаб ишонқат ва аризаларига сабаб бўляпти.

Пландаштиришнинг прогрессив методлари, янги лойиха ечимлари ва қарорлар сўст жорий этиляпти. Қурилиш трестлари ва ташкилотларини иктисослаштириш

ва йириклаштириш учун зарур чорлар кўрилмаётми.

Рахбар қадрларини ташлаш ва жой-жойига қўйиш, уларда тошмириқнинг иш учун юксак масъуляат ҳиссини тарбиялаш бўйича «Ғавташкентстрой» коллегиасининг ишнини яхшилаш талаб этилади.

Бюро турар жой ва социал-маиший қурилишнинг жадал ривожлантиришини таъминлаш бўйича «Ғавташкентстрой» коллегиаси ишда зарур қайта кўриш сезилмаётганини таъкидлаб, «Ғавташкентстрой» коллегиаси ва унинг бошлиги К. П. Дудин зиммасига ишдаги мавжуд нуксонлардан берадими, қурилиш ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, ишга туширилаётган турар жой ва социал-маиший объектларини тиклаш муддатларини қисқартириш ва сифатини ошириш бўйича партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми қарорларининг сўзаси бажарилишини таъминлаш юзасидан амалий чоралар кўриш вазифасини қолди.

Бюро В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини ректорати ва партия комитетини ишдаги нуксонлар тўғрисидаги хатларни кўриб чиқиш ақунларини мухокам қилди.

Бу масала юзасидан қабул этилган қарорда таъкидландики, университет партия комитетини, ректорати КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди,

«КОМПРЕССОР» ЗАВОДИ. Корхона маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бораёти. «Компрессорчи» «ТР-10 мб» маркали компрессорлардан кўлаб ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотлар фақат мамлакатимиз шаҳарларига эмас, балки Польша, Монголия, Вьетнам каби мамлакатларга ҳам йўнатилмоқда. Корхона меҳнатқашлари шартномада белгиланган таъминот масалаларига катта эътибор беришмоқда.

СУРАТДА: завод тайёр маҳсулотлар майдонда жўнатишга тайёрлаб қўйилган компрессорлар.

Минг бир касб Ҳайдовчилик касбини ўрганишмоқда

Урта Осиёда дастлабки троллейбус маршрутнинг очилганига ҳадемай 40 йил ўтди. Транспортнинг бу қулай туридан республикамизнинг бир қатор шаҳарлариде кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Ферғона, Олмалиқ шаҳарлариде троллейбус хизматидан самарали фойдаланиб келиняпти.

Ҳозир Бухорода троллейбус харакатини йўлга қўйишга қизгин тайёргарлик кўриляпти. Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли ўқув базасиде 28 нафар бухгалтерик троллейбус бошқаршини кунт билан ўрганилмоқда. Тажрибали ўқитувчилар И. Карелина, А. Пуоков, Е. Саригина, Э. Савченколар кўча харакати қондаси, электр қисмларининг тузилиши, йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш сирларини бўлажак троллейбус ҳайдовчиларига зўр иштиб билан ўргатиладилар.

— Бухорода троллейбус юришини эшитганимизда, биз, ёшлар жуда ҳурсанд бўлдик, — дейди курсантлар группасини бошлиғи Т. Собиров. — Тажриб кўраётганлар турли касб эгалари — шофер ва дураторлар, ошпаз ва сантехниклар, қурувчи ва савдо ходимларидир. Кўряпсизми, касбимиз ҳар хил бўлса ҳам мақсадимиз бир: троллейбус ҳайдовчиликни ўрганиш ва шаҳримиз аҳолисига ҳожатбор бўлишдир.

Бухоролик курсантларга шу йилнинг октябр ойда «Троллейбус ҳайдовчиси» гувоҳномаси берилади.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

Қардошлик қонунига биноан 904-сўтга

Чорнобыль АЭСиде юз берган авария оқибатлари тўғрисида баҳоли-қудрат ёрдам бериш учун бир кун ишлаш ва иш ҳақини 904-сўтга ўтказиш харакати кенг авж олиб борляпти. «Ўзгипротэжпром» лойиҳалаш институтининг инженер-техник ва ишчи-экскаваторлари ҳам бу ташаббусга қўшилдилар.

Институт қидирув бўлими инженерларидан С. Исқандаров, Ю. Частоев, М. Седуллаев бир кунлик иш ҳақини тўлиқ, ёрдам фондига ўтказиш таклифи билан чиқиб, ўша кунни энг юкори унум билан ишлашга аҳд қилдилар. Бу ташаббус институт бўйича яқинлиқ билан маъқулланди. Натжианда 8025 сўм пул 904-сўтга ўтказилди.

«Учкун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари ҳам шу кунларда навбатма-навбат шанба кунлари ишга чиқилмоқда. Бу ерда А. Юсуфхўжаев, И. Бугрова бошчилик қилаётган ҳеҳлар биринчилардан бўлиб бир кун ишлаб берди. Бошқа ҳеҳлар ҳам навбатма-навбат ишлашляпти. Шу кунгача 800 сўмлик иш ҳақи жамғарилди.

С. СУЛТОНОВ.

Октябрь район М. Уйғур номидаги маҳалла клубиде Чорнобыль атом электр станциясиде ишлаётган ватанпарварларга ёрдам беришга бағишланган йилги иш бўлиб ўтди. Инигилишда қатнашган Улуу Ватан уруши ҳамда меҳнат ветеранларидан Н. Алмасов, Т. Абдуллаев, У. Дадақонов, Н. Маҳаммаджонов, М. Мирсандов, А. Очлов, Р. Одилов, Х. Расулов, М. Умаров, М. Музроббеков ва бошқалар қардош украин халқининг бошига оғир кулфат тушганда ҳар томонлама ёрдам бериш халқпаримизнинг дўстлик, қардошлик ва интернационал бурчи эканлигини айтдилар.

Бундан 20 йил муқаддам тошкентликлар бошига оғир мусибат тушганда улар мадад қилини чўзишган эди. Украинлик дўстларимиз мусибатига биз ҳам қўл қовуштириб бир ҳеҳда туролмаймиз, дейишди тўлланганлар. Уларга ёрдам беришга аҳд қилган нуруний отахонлар ўзларининг пенсияларидан 904-сўтга 625 сўм ўтказишди.

А. ОЧИЛОВ.

Собир Раҳимов районидеги Аъзам Иброҳимов номили маҳалла активлари чорнобылликларга ёрдам фондига 404 сўм миқдорда пул жўнатиладилар. Улуу Ватан уруши қатнашчилари Абдулла ота Мирзаҳадемов, Топиқ ота Обидов, Акмал ота Махмудовлар ҳамда меҳнат ветерани Қобил ота Содиков ва бошқалар айнақса намуна бўлдилар.

Ғарч бу ёрдам денгиздан томчи бўлсада, маънавий жиҳатдан елкама-елка турган қардошлигимиз рамазандир.

Р. УМАРОВ.

Лекторлар учун

«БУГУН»

«Билмилер уйи»да шаҳардаги иқтисодий-сиёсий мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар ва олий ўқув юртилари иқтисодий фанлар кафедралари ўқитувчилари учун «Партия XXVII съезди қарорлари асосида КПСС назарияси ва сивбатининг ақтуал проблемалари» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар қатнашчилари мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштиришда инсон омилининг ўсиб боруши роли тўғрисида марксиз-ленинча назарияни ривожлантиришга КПСС XXVII съезди қўйган ижодий қисса ҳақида, олий ва ўрта махсус таълимнинг қайта қуришининг асосий йўналишлари, совет жамаияти сиёсий системасини ривожлантириш масалалари ҳақида сўз юритадилар.

ФУТБОЛ БЎЙИЧА XIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

«КЕЧА»

беш соврин давгогарлари маълум бўлди. Франция терма командаси устидан 2:0 ҳисобиде галаба қозонган фарбий германиялик футболчилар иккинчи ярим финал баҳсиде Бельгия терма командасини 2:0 ҳисобиде мағлубиятга учратган аргентиналиклар билан беш соврин учун ўзаро беллашдилар. Маъкур матч 29 июни куни Мексиканинг поятахти Мехикодаги марказий «Ацтек» стадиониде ўтказилди.

Жаҳон биринчилигининг бронза медали соҳибини 28 июнда Франция ва Бельгия терма командаларининг ўзаро баҳсиде аниқланди.

ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

Чет эл матбуоти СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг ўз қўша мажлисида АҚШ ҳукуматининг хатти-ҳаракатлари натижасида стратегик курулларни чеклаш тўғрисидаги Совет — Америка битимлари хусусида вужудга келган вазият масаласини кўриб чиқишга ташки ишлар комиссияларининг резолюциясини шарҳламоқда.

Ҳиндистонда чиқадиган «Телеграф» газетаси совет парламенти аъзоларининг яқин вақт ичиде СССР Олий Совети ва АҚШ конгресси ташки ишлар комис-

сиялари аъзоларининг стратегик курулларни чеклаш тўғрисидаги Совет — Америка битимлари муносабати билан Совет ва Америка парламенти аъзоларини ўз-

аро ташвишлантираётган масалаларини мухоама қилиш учун амалий учрашув ўтказиш тўғрисидаги таклифига эътиборни жалб этиди.

Япониянинг «Майнити» газетаси Рейган маъмуриятининг СНЧ—2 шартномасини қўришига ва қуролланни пойғасини чексиз авж олдиришга олиб борадиган йўли Фарбий Европа мамлакатларида ва Қўша Штатларнинг ўзида қатъий

зарбага дуч келганлигини уқтириб ўтди. Газета СССРнинг қуролсизланишга эришиш йўлидаги сўнгги таклифлари мазмунини баён этиб, Вашингтон маъмурияти Совет Иттифоқининг барча тинчлик ташаббусларини навар—нисанд қилмаётганлигини таъкидляпти.

Газеталар КПСС Марказий Комитетининг Социалистик Интернационалнинг Лимада ўтаётган XVII конгрессига табриқномасини баён этиб беради. Конгресс ялли тинчликни мустаҳкамлаш, қуролсиз-

ланиш, ядро ҳалокати хавфини тугатиш, атоф-муҳитини муҳофаза қилиш учун курашининг энг муҳим проблемаларини мухоама қилмоқда. КПСС, деб аъзади Болгариянинг «Работническо дело» газетаси, ядро қуролга эга бўлган буюк давлатлардан бирининг хумкор партияси сифатида тарихий маъсулятини аниқлаган ҳолда ўз табриқномасида қуролланни пойғасини тўхтатиш учун, ялли тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашнинг халқаро майдондаги ўз фаолиятининг бон йўнали-

ши деб ҳисоблаётганлигини маълум қилди.

Ҳиндистонда чиқадиган «Патриот» газетаси Вашингтонда атоф босмачилари бошлиқларини қабул қилган АҚШ президентининг позициясини танқид қилди. Бундай қадамлар мақсад, деб ёзади газета, АДР тева-рағидеги вазиятни нормаллаштириш тўғрисида Женевада ўтказилаётган Афғонистон — Покистон музонаралари йўлида тўсиқ вужудга келтиришдан иборат. Бу учрашув Вашингтоннинг «Афғонистон проблемаси» деб аталмиш проблема сиёсий бартараф қилинишига

Сўз-цех партия ташкилоти секретарига

Ҳаёт билан ҳамнафас



КПСС XXVII съездида ҳар бир партия ташкилотиде юксак талабчанлик ва ўз-ўзини танқид руҳини қарор топтириш вазиятини яратиб ҳақиқат алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Ҳозирги пайтда биз, аниқсозлар учун бу муҳим аҳамият касб этипти. Негаки, олдинда улкан вазифалар турибди. Ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йили учун коллективизм оширилган мажбурият олган. Унда йиллик планни муддатидан илгари бажариш, меҳнат унвондорлигини ошириш ва бошқа режалар кўзда тутилган.

тиявий ташкилий ишлар ана шу юксак маррага эришишга қаратилган. Хўжалик юриштин яхшилаш, ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариши бошқариши тақомиллаштириш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш ва бошқа омиллар ҳам бунга кўп жиҳатдан ёрдам беради, албатта.

Биз бунда коммунистларнинг етакчилик ролини оширишга биринчи галда эътибор қаратаймиз. Масалан, Валерий Кияшченков бутун бирлашмада илгор коммунистлардан бири сифатида тўғла олишди. У етакчи бўлган слесарь-йиғувчилар бригадаси билан беш йиллик меҳнат унвондорлигини муддатидан бир ярим йил аввал бажариш эришди.

делегати, коммунист Владимир Одиловни олиб кўрайлик. Унинг номи бутун республикамизга маълум. У бош бўлган бригада меҳнат унвондорлигини муъжалдан икки марта оширишга эришди. Кўриниб турибдики, бизда кимга эргашин, кимдан намуна олиш учун маълумлар етарли. Ҳамма гап уларнинг иш тажрибаларини кенг ёйиш, юксак талабчанлик ва ташаббуслорликда қолган.

Партия ўқув ва иқтисодий таълим системасидаги янги лавҳа машғулотлар шунинг кўрсатишичи, ҳар бир коммунист-йиғувчи КПСС XXVII съезди кўйган янги, мураккаб вазифалар асосида ўзи конкрет амалга оширадиган ишларини аниқ тасаввур этмоқда. Тинтовчиларга берилган топшириқлар

ҳам амалий конкрет аҳамият касб этипти. Бизнинг ҳечмиз пропагандачилар В. Хлопушина, Л. Воронов, У. Маллин сингари моҳир пропагандачилар тажрибасидан унумли фойдаланмоқдалар. Уларнинг асосий мақсади съезд кўйган вазифаларни тинтовчилар фақат чуқур тушуниб олишларига эришишдангина иборат эмас, балки олинган билгиларни бевосита амалга ошириш — ҳаётга тадбиқ этишга кўмаклашишдир. Аинқасда кейинги икки машғулотда бу яққол кўза ташланди.

Корхона партия комитети съезд қарорлари асосида цех партия ташкилотлари олиб бораётган ишларини ҳар қандай таҳлил этипти, йўл-йўриқлар бериб борапти. Марксизм-ленинчи таълим системасида машғулотлар савияси текширилди, ҳечмиз тинтовчиларни давомати юқорилиги, машғулотлар мазмундорлиги таъкидлаб ўтилди. Бу бизни қувонтирди.

бу борада камчиликлар йўқ, деб бўлмади. Бутун гап уларни ўз вақтида топиш ва барҳам беришда.

Съезд талаб этганидек ҳечмиз партия ташкилотини ташаббусини ривожлантириш, мустасулиятини ва талабчанлигини ошириш йўли билангина бутун ишларни яхшилаш, энг муҳими ХII беш йиллик ва унинг бешинчи йилли мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашяпти. Шу мақсадда жойларда коммунистлар ишчилар билан бевосита иш олиб боришга биринчи галда эътибор бериляпти.

Ю. СТОЛЯРОВ, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 31-цехи партия ташкилотининг секретари.

ДУНИ ХАВАРЛАРИ
ТАСС ВА АПИ МҲБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ГВАТЕМАЛА
БЛОККА ҚЎШИЛМАДИ

Гватемала ташқи ишлар министри Марио Кининьосенинг айтишича, унинг ағ мамлакат Марказий Америка мождаросига нисбатан «актив бета-ролик» сибсатинини давом эттириш ниятидидир. Гватемала, деди у, референда бошқалар манфаатини ниҳом қилишда юғурдиқ руҳини ҳукумати эмас. Гватемала «Тегусегаля» блоку» вакилларининг Сальвадор пойтахтида ўтказилиши мўъжалланган кенгашда қатнашадиган расмий й равишда бош тортидан кейин министр шундай баёнот берди.

Гватемала пойтахтидан олинган хабарларга кўра, Марказий Америкадаги ана шу мамлакат ҳукумати Никарагуага қарши бирлаша — Гондурас, Коста Рика ҳамда Сальвадорини ўз ичига олган «Тегусегаля» блоку» деб блокуга киришди бош тортиди. Вашингтоннинг актив қўмағида ташкил этилган мажур «блок» мақсадида жойларда коммунистлар ишчилар билан бевосита иш олиб боришга биринчи галда эътибор бериляпти.

Байрутда «яшил чизик» бўйлаб ўтган кунлар р мобайнида Ливандаги бирир-бирига қаттиқ тўғла тўғдилар. Кўп уйлар вайрон бўлди, экинлар, боғлар ва тоқорларга катта зиён етказилди. Босқинчилар Маржаюн ва Бинт-Жейл районидеги бир қанча аҳоли пунктлариде ҳам оммавий тинтувлар ўтказдилар.

Кўрилатган ҳамма га муча-гайратларга қарамай, шу вақтга қадар Байрутнинг жанубидаги фаластинийлик лагерини раёнида ўқ ўқиши тўхтатиб бўлмади. У уч ерда ўтган кунлар мобайнида фаластинийлар билан шийтарларди қаршилик ҳаракатининг жангчилари жануби шарқидеги Кфар-Руман қишлоғида Босқинчиларнинг меҳанизациялаштирилган соқчиларига ҳужум қиқилдилар. Ватанпарварлар Тахрхра ва Сувайда тепалликлариде Исроил агрессорларининг мустаҳкамланган позицияларига ракеталар отдилар.

Байрутда «яшил чизик» бўйлаб ўтган кунлар р мобайнида Ливандаги бирир-бирига қаттиқ тўғла тўғдилар. Кўп уйлар вайрон бўлди, экинлар, боғлар ва тоқорларга катта зиён етказилди. Босқинчилар Маржаюн ва Бинт-Жейл районидеги бир қанча аҳоли пунктлариде ҳам оммавий тинтувлар ўтказдилар.

Кўрилатган ҳамма га муча-гайратларга қарамай, шу вақтга қадар Байрутнинг жанубидаги фаластинийлик лагерини раёнида ўқ ўқиши тўхтатиб бўлмади. У уч ерда ўтган кунлар мобайнида фаластинийлар билан шийтарларди қаршилик ҳаракатининг жангчилари жануби шарқидеги Кфар-Руман қишлоғида Босқинчиларнинг меҳанизациялаштирилган соқчиларига ҳужум қиқилдилар. Ватанпарварлар Тахрхра ва Сувайда тепалликлариде Исроил агрессорларининг мустаҳкамланган позицияларига ракеталар отдилар.

Ливанда вазият мушкуллигича қолмоқда

Исроиллик босқинчилар ва уларнинг «Жанубий Ливан Армияси» деб аталмиш ёланган аскарлари Набатия шаҳрини, Кфар-Руман, Жоба, Айн-Бусбар, Хаб Буш, Араб-Салим аҳоли пунктларини қаттиқ тўғла тўғдилар. Кўп уйлар вайрон бўлди, экинлар, боғлар ва тоқорларга катта зиён етказилди. Босқинчилар Маржаюн ва Бинт-Жейл районидеги бир қанча аҳоли пунктлариде ҳам оммавий тинтувлар ўтказдилар.

Кўрилатган ҳамма га муча-гайратларга қарамай, шу вақтга қадар Байрутнинг жанубидаги фаластинийлик лагерини раёнида ўқ ўқиши тўхтатиб бўлмади. У уч ерда ўтган кунлар мобайнида фаластинийлар билан шийтарларди қаршилик ҳаракатининг жангчилари жануби шарқидеги Кфар-Руман қишлоғида Босқинчиларнинг меҳанизациялаштирилган соқчиларига ҳужум қиқилдилар. Ватанпарварлар Тахрхра ва Сувайда тепалликлариде Исроил агрессорларининг мустаҳкамланган позицияларига ракеталар отдилар.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

Шаҳар халқ контроли комитетиде

Сув ҳақими Давлат ҳисобига ёки иш ҳақи? ҳотамтойлик

Ажабланманг. Ҳеч нарсани чалкаштириб юборганимиз йўқ. Тошкент қурилиш Бош бошқармасидаги маъсул ходимлар шундай қилишган. Утган йили сувдан фойдаланиш учун смета бўйича 25,3 минг сўм ажратилган эди. Аслида эса 302,4 минг сўм сув ҳақи сифатида сарфланди. Йўқ, сувнинг таркиби ўзгармаган. Турли моддалар қўшилиб асал ёки беморларга жуда зарур бирон дорига ҳам айланмаган. Сиз билан биз ичаётган, рўзгоримизда фойдаланётган оддий сув эди. Аммо унинг нархи қандай қилиб деярли 15 марта ошиб кетганини фақат бошқармадаги маъсул ходимлар тушунтириб беришлари мумкин.

Айтгандай, халқ назоратчилар қўжаликдаги ҳақнинг аҳвол билан танишиб, кирим ва чиқим ҳақида ҳақнинг хулоса чиқаришда бошқарма раҳбарларининг ўзлари ҳам бош қашлаб қолди. Айтишга осон, кейинги икки йилда коммунал хизмати, турар жойлардан фойдаланиш, ремонт учун қўшимча бир миллион 559 минг сўмлик маблағ сарфлашди.

— Е алқазар, — дейишди улар ёқаларини ушлаб, — ахир майда-чуйда ишларга сарфланган ҳаражат ҳам шунча бўлиб кетадими!

— Ҳа, дейишди назоратчилар босқилки билан, — барча ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганликларингиз учун хўжасизлик вужудга келган. Кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш авжига чиққан. Энг қизғин, ҳодимларнинг ўзлари ўзларига қўшимча маош белгилаб олган.

— Кимлар экан улар!

— Ҳисоблаш хўжалиги бошқармасининг катта бухгалтери Кривонос 1985 йилининг апрели ойида 130 сўм 50 тийин, май, июнь ойлариде эса асосий маошига қўшимча 43 сўмдан маюна олган. Бухгалтер Эрст ҳам 130 сўм ўзига қўшимча маош ёзиб олган.

Бошқарма бошлиғи В. Лебедевнинг пешонасини тер қўйилди кетди. Аммо тернинг салмоғи хўжасизлик тўғрисида етказилган зарарнинг зарарига ҳам тўғри келмасди. Назоратчилар тўғрисида ақлга сизгайдиган чалкашликлар юз берган. 55 ходим шатта қўшимча қабул қилинган. Уларга бир йилда 45,3 минг сўм маош тўланган. Бошқарма бош бухгалтери квартал ва йиллик муқофодан маҳрум бўлмаслик ниятида бажарилмаган ишларини ҳам қозғода кўрсатверган. Бошқалар ҳам унга эргашганлар. Бошқарма базасини қуришда бажарилган ишлар ҳажми 45 минг сўмлик ка ошириб ёзилган. Турар жойларни ремонт қилиш ишларини ҳам ошириб ёзилверган. Фақат лифтларни асрашнинг ўзига 65,1 минг сўм қўшимча маблағ сарфланган. Буларнинг ҳаммаси маъсуллик сизлик оқибатиде юз берган.



Холде Холмухамедова ҳали ёш ишчи саналади. Лекин у ўз вазифасига маъсулият билан ёндашмиш, барча ишларни вақтида алоҳида даражада бажаришга бўлган интилиши тўғрисида ҳурмат қозонди. «Ўзбېтпластик» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи шу босқидан ҳам унга катта ишонч билдириб, халқ контроли группасига аъзо этиб сайлади. У бу топшириқни ҳам виждонан бажариб, маҳсулот сифатини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Х. Мирзакеримов фотоси.

Ишчанлик ва талабчанлик вазиятида

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ контроли бosh группасида ҳисобот-сайлов конференцияси юксак талабчанлик ва уюшқонлик вазиятида ўтди. Конференцияда бўлимларнинг раҳбарлари, партия, касаба союзу ва комсомол активлари иштирок этишди.

Беш группа раиси А. Фирсов халқ назоратчиларининг ўтган уч йил мобайнида амалга оширган ишлариде ҳолис баҳо берди. Улар ўзларига топширилган вазифаларни виждонан ва ҳалол бажардилар. План ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, маъмуриятнинг хўжалик соҳасидаги фаолияти, ёнгилик-энергетика ресурсларидан фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бир неча марта текширувдан ўтказилди. Меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларига қандай муносабатда бўлиётгани ҳам эътиборда тутилди. Шунингдек, ичкиликбозлик ва алкогольизмга қарши кураш тадбирларининг амалга оширилиши, жамоат тартибни бузувчиларга қўйилган чоралар ҳам эътибордан четда қолдирилмади.

Ҳисобот даврида 40 дан зиёд самарали текширув ўтказилди. Халқ назоратчилари 108 минг киловатт-соат электр энергияси, 406 гигакалория иссиқлик энергиясини иқтисод қилиб қолдишга шарафат яратдилар. Ишлаб чиқариш ва хўжалик юмушлари учун 595 минг куб метр сув ишлатилди. Бу

Халқ контролида ҳисобот-сайловлар

Ишчанлик ва талабчанлик вазиятида

белгиланган лимитдагина аяча камдир.

Шу билан бирга халқ назоратчиларининг фаолияти, аинқасда цех группаларининг фаолияти қайта қуришга мўҳтож эканлиги таъкидлаб ўтилди. Энг аввало халқ назоратчиларининг активлигини ошириш, уларнинг эътиборини ҳал қилишнинг лозим бўлган йирик масалаларга жалб этиш лозим. Улар бирлашмада муҳим хўжалик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ағнаб олишлари, уларни ҳал қилишга амалий ҳисса қўйишлари керак. Ҳа фаолиятларига КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг йиғини Пленуми қарорларини дастуруламал қилиб барча цех ва бўлимларда социалистик муносабатни янада янги оддириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янги усулларини жорий қилишга бош-қош бўлишлари керак.

Сўзга чиққан Ильич номидаги тажриба-механика заводи халқ контроли группасининг раиси Х. Бекбулатов, қаттиқ қотишмалар ва чидам материаллар хизматиининг сийлиқовчиси С. Кужель, ахборот-ҳисоблаш бosh маркази директорининг ўринбосари А. Бедикар шу кун учун фахрлик билан таъриқ этилди. Сунистемолчилик фактларининг жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилиниши кадрларга бўлган талабни янада оширади. Улар йўл қўйиш мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиб қо-

лиш имкони вужудга келмади. «Комсомол проектор»нинг иш ҳақидаги штаб бошлиғи И. Зверхановскийнинг сўзлари ҳам аяча таъсирчан эди. Проекторчилар партиянинг топшириқларини вақтида ва мустасулият билан бажариб, коллективнинг умумий зарарларига муносив ҳисса қўлишмоқда. 55 кишидан иборат проекторчилар халқ назоратчилар билан ҳамкорликда ишлаб ўз тажрибаларини бойтишмоқда. Ишга ижодий ёндашмиш, масалаларни пухта ва далил ҳал қилиш кўникмасини шакллантирмоқдалар.

Конференция қатнашчилари текширув ишлари самарадорлигини ошириш, бирлашма халқ контроли органини ташкил этишнинг тақомиллаштириш проблемаларини принципал ва жиддий ҳал қилишга алоҳида эътибор бердилар. Халқ назоратчиларининг ишларини янада активлаштиришга доир қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Қисқаси конференцияда ишга таъйин қилинган билан бирга, назоратчиларнинг эътибордан четда қолаётган масалалар уқдириб ўтилди. Янги сайланган составга актив ҳаракат қилиш, қийинчиликлардан қўчимаслик, масалага жиддий ёндашмиш таклиф этилди.

А. ШЕИН, Киров район халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Группа ва постларда

ТЕЖАМҚОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ

КПСС XXVII съездининг резолюция ва қарорларида меҳнат интизоми мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда тартибни қарор топтириш, иқтисод режимига қатъий амал қилиш зарурлигига алоҳида эътибор берилган. Бу талаблар транспорт ходимларининг олдинга ҳам маъсулиятли вазифалар қўймоқда. Улар транспорт востисининг реимонтига узоқ ишларини таъминлашлари, ёнгиликнинг ҳар бир граммидини авайлаб-асрашлари лозим.

3-автокюбинат халқ контроли группаси ишчи ана шу талаблар асосида ташкил этмоқда. Автокюбинат назоратчилари ҳар бир автомобилнинг тайёрлик даражасини текширишдан ўтказиб, унинг техник ҳужжатларини ГАИ ходимларига топширишмоқда. Натияжада транспорт востисидеги нуқсонсиз хизматга чиқарилишига эришилди.

Группа ва постларда

ТЕЖАМҚОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ

12362 сўмга тенг бўлган 82 комплект автомобил шиналари тежаб қолганлигини ўтказилган тадбирлар самараси дейиш мумкин.

Ҳозир халқ назоратчилари парқдан чиқётган ҳар бир машинанинг спидометри ва санитария ҳолатини текшириб, белги қўйишмоқда. Бу ишни амалга оширадиган махсус пост ташкил этилган. Натияжада автомобилларни носоз аҳволда рейса чиқаришга чек қўйилди.

Назоратчилар яна бир камчилигини аниқлашди. Эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги тўғрисидаги машиналар ремонтда узоқ муддат туриб қолаётгани маълум бўлди. Ана шу камчилик тўғрисида 14 автомобил икки ой давомида бекор турганлиги аниқланди. Текшириш натижалари кенгайтирилган плашёрка ва бosh группа бюросида муҳокама қилиниб, чоралар белгиланди. АБДорларга жазо белгиланди.

Шу йилдан бошлаб тежамкорликка бўлган талаб айниқас кучайди. Ўтган давр мобайнида 42686 литр бензин, 22770 кубметр қисилган газ, иқтисодий қиймати

Группа ва постларда

ТЕЖАМҚОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ

ни бартафак этиш тадбирлари белгиланди.

Иқтисод режимини кучайтиришда автомобилларни сийқилган газ билан ишлашга ўтказиш муҳим роль ўйнамоқда. Ана шу янгилик тўғрисида ўтган йили 800 тонна бензин тежаб қилинди. Шунга қарамадан ҳозирга қадар айрим автомобиллар эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги тўғрисида бензин ишлатилаётганлиги таъжубуби ҳолдир. Бу муҳим ишни амалга ошириш учун ўзаришда газ билан таъминлайдиган станцияни қуришни тезлаштириш зарур. Бунга шаҳар халқ контроли комитети ҳам ҳисса қўлиши керак. У тежамкорликни янада кучайтиришга ёрдам беради.

И. ХУЖАЕВ, 3-автокюбинат халқ контроли бosh группасининг раиси.

Кучли портлаш ҳаёт дарахти


© Перу пойтахти — Лимада кетма-кет кучли портлаш юз берди.

Банк биноси ёнида турган енгил автомобиль портлаши можда ўрнатилган. Оқибатда автомобиль билан бирга банк ҳамда Гондурас элчиносини бинос ҳам қаттиқ шикастланди. Маълумотларга қараганда, қурбонлар бўлмаган.

Уруш «эсдалик»лари

© АҚШнинг Неошо шаҳри райониде (Миссури штати) қурилиш ишлари бораётганида галати ҳодиса рўй берди. Бу ердан иккинчи

© Хитойнинг Сиччуан ва Гансу вилоятида янги пиланду хайвони бамбуқ дарахтисиз яшай олмайдиган. Шунинг учун була керерак камдан-кам ўрнатилган ҳодиса — янги ноёб дарахат гуллаганда жониворлар ҳалок бўлишди. Негаки, бамбуқ дарахти гуллаганда та тез қуриб қолади, улар ўзичи озурқа қолмайди. Сўнггера илди-ларидан янги шохлар ўса бошлади. Бундай ҳодиса 1983 йилда содир бўлганди. Хитой экспертлари ё буни чуқур текширувдан ўтказишди. Ана шу йили 6181 та пиланду хайвонидан 43 тасинини сақлаб қолдишга муваффақ бўлишди. Мамамакатада ҳақиқатан бамбуқ дарахти ҳаёт дарахти эканлиги исбатланди, уларни кўпайтириш керак.



«Сехргар Зумрад шаҳарда» болалар эртанинг г қаҳрамонлари турли машаққатлар ва ҳавфли ҳолатлар билан тўлиб-тошган йўлдан бориб ўзларининг бахтини излайдилар ва топадилар. Суратдаги бу киши эса Нью-Йоркнинг г қулачлари да тонг саҳарда муздек асфальтда изғиди, ҳечке қанақа намот тополмайди. Унинг олдида турган ҳозирги г машаққатлар эртангайдиган ҳам ўтиб кетган. Бироқ Америка оммавий ахборот востислари кун сайин Америка жамаитининг Зумрад шаҳардаги ҳаётга таққослайдиган. Бундай бosh Беберк кўчада намот ва мадад излаб юрган сон-саносиз кишиларини учратиш мумкин.

Е. Сешников в фотоси. ТАСС.

— Сув ҳақидан келган пулларни ҳисоблайчи, қанча бўлган экан.

— Касбин иқтисодчи-ю аммо лабораторияга мударман. Менга нима, пул олсам бўлади!

